



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 106

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Ободонлаштириш бошкармаси на общую сумму 5999994,00

Глава 110
Казначейский лицевой счёт 100022860064037065100110001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	2 000 000,00			2 000 000,00
Февраль	2 000 000,00			2 000 000,00
Март	1 999 994,00			1 999 994,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	5 999 994,00			5 999 994,00

Всего 5999994,00 сум

Пять миллионов девятьсот девяносто девять тысяч девятьсот
девятьсот сорок сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 5999994 сум или 100 % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в текущие мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

(подпись)

Ражабов Шухрат Шодиевич
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Мухаммедова Гулноза Усмоновна
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

106 - сонли ШАРТНОМАСИ

«_05_» январь ___2022 йил

__Когон шаҳар__

(Шартнома тузилган жой)

«_HUDUDGAZTA`MINOT_» АЖ (*Хўжалик юритувчи субъект номи*)(бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Зокиров Н. бир томондан ва _Ободонлаштириш бошкармаси(*газ етказиб берувчи корхонанинг номи*)(бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошлиги Ражабов Шухрат__ иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети.

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «Таъминотчи» ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи» табиий газ етказиб беришни фақат «Истеъмолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022_йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 9090,90_минг куб.метрни, нарҳи, 660 сум Р= кгс/см² 5999994 сўмни ташкил қилади*, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 5999994 сум, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____ сум

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир

1 чорак 9090,90 минг куб.м . январь_3030,30 феврал_3030.30 март 3030,30

2 чорак _____ минг куб.м апрел _____ май _____ июн _____

3 чорак _____ минг куб.м июль _____ август _____ сентябрь _____

4 чорак _____ минг куб.м октябрь _____ ноябрь _____ декабрь _____

1.4. «Истеъмолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Таъминотчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «Таъминотчи» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ «Истеъмолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва микдорлар кўрсатилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб ҳисобланмайди. ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фоиз миқдорда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.)

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «Таъминотчи» 1.3. бандда кўрсатилган ҳажмда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. $T=20^{\circ}C$, $P=760$ мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «Истеъмолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолининг ўртача кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида кўрсатилган ҳажмда «Таъминотчи» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо қўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида ҳисобот ойида топширилган ва қабул қилинган ҳужжатлар «Истеъмолчи»нинг газ ҳисоблагичи бўйича аниқланган:

- «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш ҳақида тузилган техник далолатномаларда акс эттирилган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ ҳисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ ҳисоблагичлар учун истеъмолчи томонидан юритилган қайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли ҳисоблагичлар бўйича ҳисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аниқланади.

«Истеъмолчи» балансида бўлган газ қувурларидаги ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми «Истеъмолчи» ҳисобига қарашли бўлади.

2.4. «Истеъмолчи» га берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равишда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади.

«Истеъмолчи» газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ ҳисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтар тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада кўрсатилган миқдордан кам миқдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига биноан Таъминотчига нисбатан Истеъмолчи фойдасига жарима санкциялари қўлланилади.

Куйидаги ҳолатлардан ташқари:

- авария вазиятларида, табиий офатларда; киш мавсумида газ танқислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб бериш вақтинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида кўрсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- «Истеъмолчи» томонидан газ истеъмол қилувчи ускуналар ва газ ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ

хаки тўланмаган тақдирда ҳисоб-китоб ишлари, мазкур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» олдиндан огоҳлантирмай туриб, газ таъминотини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортик ҳажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан қуйидаги миқдорда:

- истеъмолчи учун шартнома ҳажмларидан ортикча олинган газ қиймати 2 коэффициент билан оширма тулов ундирилади. (Узб.Респ. В.М.нинг 132-сон қарори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да заҳира ёқилғисини ёқиш тизими бўлиши, заҳирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва кузги-қишқи даврда ёқи газ танқислигида, авария ҳолатларида корхонанинг бир маромда ишлаши учун заҳира ёқилғисини жамлаб қўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат.дан юқори қувватли қозонхона қурилмалари газ ёқилғиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёқишга мўлжалланган заҳира ёқилғиси хўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат. дан кам қувватли, 1-тоифага кирувчи қозонхона қурилмалари авария ёқилғисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофиқ равишда белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёқи пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учиритиш учун «Таъминотчи» ўз вақилини юборди.

2.10. «Истеъмолчи» газ ҳисобини олувчи хўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол қилувчи жиҳозлар, ГТП (газ тақсимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» корхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун яроқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, «Истеъмолчи»даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз булган вақтда шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунига қадар амал қилади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдирса, камчиликлар бартараф қилинганга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қароридан курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир) .

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш киритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот ойи тугаши билан тақдим қилиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сақланиши шарт. (Уз.Р. ФК. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вакили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босими ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича киритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» куйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

- газ босими ва газ ҳисоблагичнинг ҳисобга олувчи қисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати ҳисоблагични ишлаб чиқарган корхона- заводнинг ҳисоблагични ишлатиш талабларига мос келиши керак;
- газ ҳисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ тақсимлаш пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тақдим қилинади;
- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида «Истеъмолчи» унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;
- газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талаблар бажарилиши;

Газ ҳисоблагич куйидаги талабларга жавоб бериши:

- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;
- ишлаб чиқарувчи корхона- завод ва «Ўздавстандарт» тамғалари сақланган, бут бўлиши;
- ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиш ҳолатлари бўлмаслиги;
- газ ҳисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ ҳисоблагич русуми, рақами, унинг аниқлик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрсатилганлиги;
- газ ҳисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;
- газ ҳисоблагич шовқинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ ҳисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, ҳисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланади ва аниқланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар ҳисоблаш тармоғи яроқсиз деб ҳисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган миқдорда газ ҳисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини тақлиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» ҳудудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма: «Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг ҳудудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ ҳисоблаш мосламаси, тижорат ҳисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ ҳисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда «истеъмол»чининг манзили кўрсатилади.

Агарда «Истеъмолчи» далолатномага имзо қўйишда бош тортса унда, «Таъминотчи» томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.18. Газ ҳисоблаш воситалари ишдан чиқса ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса, «Истеъмолчи» бу ҳақида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамгалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи ҳисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки рухсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтегазозорат» инспекциялари томонидан берилган рухсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ ҳисоблаш пункти ишдан чиққанида «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилини 1 сутка давомида хабардор қилиб, газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичини қайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ қузури тизими орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бундай пайтда «Истеъмолчи» газ ҳисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. «Таъминотчи» томонидан газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.

2.21. Газ ҳисоблагич, тижорат ҳисоблагични бир маромда ишлаши учун «Истеъмолчи», ёзги ва қишки даврда газ истеъмол қилиш хажмига қараб торайтириш ускуналарини алмаштириш ва газ ўлчаш асбобларини ўз вақтида талаб даражасида булишини таъминлаб бориши шарт.

2.22. Газ ҳисоблаш асбоблари сарфланаётган газ миқдорига мос бўлиши керак. Газ ҳисоблаш мосламаларининг техник характеристикасида кўрсатилган чегарадан кам миқдорда газ сарфланса, газ миқдорининг ҳисоби ва газ сарфи, газ ўлчов мосламасини техник характеристикасининг пастки чегараси бўйича олинади бунда, «Истеъмолчи» 15 кун муддат ичида газ ёқиш ускуналарига мос газ ҳисоблагич мосламаларини ўрнатиш мажбуриятини олади.

Газ ҳисоблагич мосламалари, газ сарфини ҳисоблашда тармоқнинг хатолик даражаси 1,5% дан юқори бўлса, газ сарфи ҳисоб – китоби газ ҳисоблаш прибори шкаласининг хатолиги 1,5% дан юқори бўлмаган фоизи бўйича амалга оширилади. Рухсат этилган максимал чегарадан юқори миқдорда газ сарфланса, газ ҳисоби ўрнатилган ва тамгаланмаган газ ускуналарининг газ сарфи мазкур шартноманинг 2.13. бандига асосан ҳисобланади.

2.23 «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»нинг хужалик ҳисобида бўлган газ ҳисоблагич мосламаларини кўрилганда, газ ҳисоблаш мосламаси бир маромда ишламаётганлиги, таққослов текшируви (хронометраж) ўтказилганда, ташқаридан газ ҳисоблаш мосламаларига таъсир кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда, газ ҳисоблаш мосламаларини жойлардаги «Ўздавстандарт» бошқармаларида экспертизадан ўтказишни ва назорат-ўлчов асбобларини навбатдан ташқари текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Агарда, газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўлов, газ ҳисоблаш асбоби эгаси томонидан амалга оширилади.

Газ ҳисоблаш асбоблари соз ҳолатда бўлса, экспертизадан ўтказиш учун сарфланган харажатлар, экспертизадан ўтказишни талаб қилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

2.24 “Истеъмолчи” томонидан газ тармоқларига узбошимчалик билан уланган ҳолларда ўрнатилган газ ёқиш усқуналарнинг сарфланган табиий газ учун ҳисоб-китоб уланган вақтдан бошлаб 10 баравари қийматида ундирилади ва газ тармоғидан (қурилмаларидан) мажбурий тарзда узиб қўйилади. (Ўз.Р. ВМ 09.03.1994й. 124-сон Қарори 1.2 б.)

2.25 Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб, тамгаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ усқуналарининг лойиҳавий юкори қувватидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади:

а) газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса ёки газ сарфини торайтирувчи мосламалар билан ўлчашда ГОСТ 8.563-97. қоидалари бузилса;

б) сарф ўлчагичлар, торайтирувчи мосламалар, газ ҳисоблагичларнинг Давлат кўригидан ўтган муддати ва газ ҳисоблаш тармоғига (узелига) берилган гувоҳномалари (сертификатлар) муддати тугаганидан кейин;

в) газ ҳисоблагичларни Давлат кўригидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб, қайта ўрнатилган кунгача бўлган муддатларда;

г) «Таъминотчи» вакили томонидан «Истеъмолчи» хужалик ҳисобида булган газ ҳисоблаш мосламаларининг байпас йўлларида, импульс йўлларида, торайтирувчи мосламалар камераларида ва сарф ўлчагичларнинг соловчи мурвати (вентили)да газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланганида;

д) «Истеъмолчи» томонидан газ сарфи ўлчайдиган электрон газ ҳисоблагичлардан олинанидан маълумотлар йўқотилган бўлса;

е) назорат-ўлчов комплексининг тузатиш киритувчи блоки ишламай қолганида, механик равишда ўлчовчи мосламалар мавжуд бўлмаса ёки тўхтаб қолган бўлса;

ж) «Таъминотчи» вакили охириги марта келган пайтдан бошлаб, «Таъминотчи» томонидан газ истеъмол қилувчи агрегатларга, газ ҳисоблаш приборларига ўрнатилган тамгалар узилганида.

«Истеъмолчи» ўрнатилган тамгаларни ўзбошимча равишда узганлик тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда ҳам, жавобгарлик унинг зиммасида қолади.

2.26. Мазкур шартноманинг 2.3. бандига мувофиқ, сарфланган газни газ ҳисоблагич бўйича ҳисоблаганда қуйидагилар инобатга олинади:

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал қилиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) созланганлиги муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) созланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05 РУз реестрида кўрсатилган беш ой иситиш мавсумида ҳисобланади.

“Истеъмолчи” табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик қоидаларини бўзса унда, $R_{изб} = 1 \text{ кг/см}^2$ коэффиценти қўлланади.

2.27. “Таъминотчи” қиш мавсумида газ танқис бўлган даврда «Истеъмолчи»га табиий газни узлуксиз етказиб беришни кафолатламайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «Истеъмолчи» балансидаги мавжуд газ қувурлари, ундаги қурилмалар ва газ истеъмол қилувчи жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсизлик қоидалари»га (Ўзб.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган,

“Саноатконтехназорат”нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруги билан тасдиқланган) биноан «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Газ қувири бошланадиган жойдаги тақсимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «Истеъмолчи» корхонаси (объекти) худуди (тўсиғи)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, улгуржи истеъмолчилар учун газ тармогининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади. Агарда газ тармогининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у ҳолда корхона (объект) худудининг тўсиғи (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади.

3. ТАБИИЙ ГАЗ НАРҲИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида қўрсатилган истеъмолчилари яъни «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб оғи бошланишидан қаида 5 кун олдин «Таъминотчи» ҳисоб қўраиға тузилган шартномада қўрсатилгандек оғлик газ ҳажми қийматининг қаида 30 фойзи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб оғи бошланишидан қаида 5 кун олдин тузилган шартномада қўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг қаида 15 фойзи миқдорида олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Ҳусусий қорхоналар, қўшма қорхоналар ва тадбирқорлар ҳисоб-китоб оғи бошланишидан қаида 5 кун олдин берилган буюртмаға асосан олдиндан 30 фойз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалға оширмаган тақдирда «Истеъмолчи»ға газ бериш тўхтатилади.

3.3. Яқуний ҳисоб-китоб бир оғда берилган ва қабул қилинган газ миқдориға мувофиқ равишда келгуси оғнинг 10 кунигача амалға оширилади (Бюджет ташкилотлари учун яқуний ҳисоб-китоб келгуси оғнинг 30 кунигача амалға оширилади).

Узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалға оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан ҳисоб-китоб оғида ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасиға хизмат қўрсатувчи банк орқали «Истеъмолчи»ға тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «Истеъмолчи» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куну мобайнида бажарилмаса, «Истеъмолчи»ға газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада қўрсатилган газ ҳажми тўлик истеъмол қилинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси оғнинг ҳисобига киритилади.

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашға йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобға олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реквизи́тлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва қоммунал-маиший қорхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок қоррекция)си мавжуд бўлган электрон газ

ҳисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш – топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойида амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

“Таминотчи” томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган миқдорига норози бўлган “Истеъмолчи” 10 кун ичида “Таминотчига” ўз норозилиги ҳақида мурожаат қилади. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътирозлар қабул қилинмайди.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича миқдори акс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманоманда кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманоманда кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қилади.

4.5. “Таъминотчи” Табиий газ қабул қилиш ва бериш тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида “Истеъмолчи”ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ хўжалиги тезкор бошқармасининг

телефонлари: _____

«Таъминотчи»нинг манзили: _____ тел: _____

4.6. «Таъминотчи» газ бериш қисқартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ қисқартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиш мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ беришни чегаралайди «Истеъмолчи» қўшимча захира-ёқилғи турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Карор)

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га газ беришни тўхтатади:

- «Истеъмолчи» шартномада келишилган ҳажмдан ортик газ олса;
- газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ ускуналари улаб олинган бўлса;
- муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
- газ олиш қоидалари қўпол равишда бузилганида;
- буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш ҳаражатлари «Истеъмолчи» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул қилиш, ҳамда унинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод қилинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, кейинги ойнинг 11 кунидан бошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,4 фоизи ҳисобида жарима (пеня) тўлайди. Бироқ, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол қилувчи қурилмаларни ўзбошимча равишда, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ қувватининг 2 баравар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол қилувчи қурилмалари газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

6.5. Агарда, газ ҳисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол қилувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аниқланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вақилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб 2 баравар ҳисобланган газ ҳақини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий негизи тўғрисида» ги Қонунига биноан жавоб берадилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2.Шартнома бажаритилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1.Томонлар қуйидаги ҳолатларда газ бериш ва қабул қилишни тўхтатиш ёки камайитиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) табиий офатларда;

б) газ конларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида кутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай ҳолатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини ҳар қандай алоқа воситалари ёрдамида хабардор қилишлари керак.

8.3. Агарда, бу ҳолатлар 90 кундан ортиқ давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал қиладилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2.Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

9.3. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2012 йилгача белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътирозлари, эътироз тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади.

Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

11. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ИЛОВАЛАР

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Таъминотчи»

«Истемолчи»

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ

Ободонлаштириш бошкармаси

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: _____ Когон.ш _ Халк сузи кучаси _

Манзил: Когон ш Дустлик кучаси 63 уй _

Тел./факс 522-2-26-04 522-23-19

Тел./факс 52-4-49-57 _____

х/в 22634000405113960520

х/в 100022860064037065100110001

Банк номи Тошкент ш.,АТ Саноат-Курилиш банк
Ракат ф.

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи__203183145

МФО __00435_

ОКОНХ_90211_____

ОКОНХ__90214_

Газначилик бўлинмаси номи: Когон шаҳар
Газначилик бўлинмаси

СТИР 306605769

Газна х/в: 23402000300100001010


Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банкнинг
ХККМ

/ Раҳбар __Зокиров Н.

Раҳбар__Ражабов Ш _____

(Ф.И.Ш)


(имзо)
М.Ў.

(лавозим) (Ф.И.Ш)


(имзо)
М.Ў.

¹ - тегишли газна ҳисобварағи кўрсатилади.

² - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Газначилик бўлинмасида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.

³ - Бюджетдан маблағ олувчининг газначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварағи ёки банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи кўрсатилади.



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI

KOGON SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

200500, Kogon shahar, Amir Temur ko‘chasi, 3-uy

**Юридик аҳамиятга эга ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги тўғрисида
Ҳуқуқий Хулоса**

2022 йил 8 январ

Когон шаҳри

1. Лойҳанинг тури. Шартнома.

2. Лойҳанинг номи.

Узтрансгаз АЖ томонидан Когон шаҳар ободонлаштириш бошқармасига 2022 йил 5 январдаги №106-соли тузилган шартнома тўғрисида.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот.

Шартнома лойиҳаси электрон биржада ишлаб чиқилган бўлиб 2022 йил 5 январ рақами №106-сонли билан рўйхатдан ўтган. Марказга ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 8.01.2022 йилда келиб тушган.

Тузилган шартнома лойиҳаси Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3016 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ талабларига мувофиқ тузилган.

Когон шаҳар юридик хизмат
кўрсатиш марказ бош юрисконсульти



Д.А.Саидов